

## Қизилтепа туманида янги автомобиллар ва янги иш ўринлари

Навоий вилоятини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш Давлат дастури асосида, вилоятда аҳолисига автотранспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Навоий вилояти, Қизилтепа туманида фаолият юритаётган “Зилола Шалола Баҳром” масъулияти чекланган жамият томонидан “Миллий банк” Қизилтепа филиалидан 300 млн. сўм 3 йилга узоқ муддатли “Ипотека” кредитлари асосида босқичма-босқич олти дона “Дамас” русумдаги автомашиналар харид қилинди.

Жамият балансига янги автомобиллар сотиб олиш муносабати билан олти иш ўрни яратилди. Сотиб олинган автомобиллар шаҳар атрофидаги “Қизилтепа-Тошробод” йўналишида ҳаракатланиб халқимизнинг узоғини яқин қилишда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати